

КОРХОНАДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Адхамова Комилабону Илхом кизи

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети 1 - курс Менежмент йуналиши талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14799858>

“Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очик айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин.

Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин”
Ш.Мирзиёев.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб этиш, инвестицияларни оқсоқланаётган тармоқларга сафарбар этиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш мамлакатимиз олдида турган асосий долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айни вақтда шуни тан олиш керакки, миллий иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Хусусан, реал вақт шароитида Ўзбекистондаги сармоя киритиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур ҳамда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситалари юзасидан керакли маълумотларга эга бўлиш имконияти ҳали ҳамон паст даражада сақланиб қолмоқда. Шу маънода инвестиция лойиҳаларини жалб этишда мамлакат ижтимоий ва сиёсий муҳитини яхшилаш, турли хил переференциялар, паст даражадаги солиқ ставкаларини жорий этиш, шу билан бир қаторда келажакда тузиладиган шартномалар юзасидан, етук кадрларни тайёрлаш, малака оширишни ташкиллаштириш ва албатта, инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш амалиётига таъсир этаётган салбий жиҳатларини бартараф этиш каби долзарб масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг тизимли инвестиция сиёсати миллий иқтисодиётимизни диверсификация ва модернизация қилишга, ҳамда унинг рақобатбардошлигини кўтаришга, етакчи тармоқларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларига, уларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни

жадаллаштиришга, жумладан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига экспорт салоҳиятини оширишга ҳам қаратилган.

Маълумки инвестициялар, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситалари яхшилангани натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Мамлакатдаги мавжуд инвестицион муҳит ички ва хорижий хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳар қандай шароитда ҳам бўш турган пул маблағларини инвестицион фаолиятга жалб этиш ва ундан даромад олишни кафолатламоғи лозим. Бу вазифани оқилона ҳал қилиш, ўз навбатида, самарали ҳисобланган устувор тармоқларни аниқлаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни рағбатлантирувчи мақбул инвестицион сиёсат юритиш ва қўлай инвестицион муҳит яратишни талаб этади. Шу боисдан ҳам инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан ҳисобланмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Республиканинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига юқори технологияларни кенг жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, экспортни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек, инвестицияларни тизимли режалаштириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини самарали бошқариш йўллари топиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва

воситаларини такомиллаштиришни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини оширишнинг ғоят муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолатини таҳлил қилиш инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширишга, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштиришга тўсқинлик қилаётган айрим тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришнинг амалдаги тизими истиқболли инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич тайёрлашни, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқирилишини таъминламаяпти, бу эса молиялаштиришнинг очилиши, маблағлар ўзлаштирилиши, оқибатда эса қувватлар ишга туширилиши кечиктирилишига олиб келмоқда. Инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилмаган. Инвестиция дастурларини шакллантиришнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг ҳамда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштиришнинг самарали механизмлари жорий этилишини, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага инвестицияларни жалб этишни таъминлаш, барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлар раҳбарлари ва ҳокимларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу масалага жиддий эътибор қаратиш нақадар муҳим эканлигини мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ўз маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар: “Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз. Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик. Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамыз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади”. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар ўз фикрларини ҳамда илмий қарашларини баён қилиб ўтишган.

Хусусан, чет эллик иқтисодчи олим М.М.Прусак иқтисодиётни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш учун реал шароитларни таъминлаш умуман давлатда ҳам, минтақаларда ҳам инвестиция фаолиятини фаоллаштиришни талаб этишни таъкидлайди.

П.Михаела, А.Вақар, Х.Ҳелиан тадқиқотларида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институционал механизми тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларига мувофиқ мамлакат иқтисодиётидаги институционал сифат ўзгаришларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимига ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилади. Т.В.Усковао илмий изланишларида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш вазифаси стратегик аҳамиятга эга эканлиги, унинг ечими хомашё экспортидан иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишини талаб қилиши, бу борада инвестициялар асосий аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган. В.Д.Андрианов илмий тадқиқотларида миллий иқтисодиёт инвестицион салоҳиятининг назарий асослари ўрганилган бўлиб, инвестиция салоҳияти доирасидаги концепциялар назарий жиҳатдан умумлаштирилган, уни ошириш учун молиявий имтиёزلардан тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Д.Ш.Бабабекова, Б.О.Турсунов тадқиқотларида фаол инвестицион жараёнларни рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни, фаол инвестициялар орқали рақобатбардош иқтисодиётни шаллантиришнинг хориж тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари асосланади. Я.С.Мелкумов ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда фойда олиш мақсадида инвестицияларни молиялаштиришда молиявий, мулкӣ ва интеллектуал қўйилмалардан самарли фойдаланишни таҳлил қилган. Муаллиф бу ерда инвестицияларни даромад манбаи сифатида ўрганиб, инвестиция фаолиятининг турларини кўрсатиб берган. Бу ерда баҳсга сабаб бўлаётган ҳолат инвестиция объектларининг турлари ҳамда уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ҳақида фикр юритилмаган. Хитойлик олим Ф.Хиаолан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошишининг унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Унинг тадқиқотлари натижаларига кўра, инвестициялар умумий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи миллий иқтисодиётнинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади деб таъкидлаб ўтган.

Д.Д.Деньгин “Иқтисодий-географик шароит, ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби минтақа инвестиция салоҳиятини белгилайди” –деган қарашни билдиради.

Л.Д.Зубкованинг фикрига кўра, “Инвестицияларга бўлган эҳтиёжни (инвестиция талаби ва таклифи) қондирувчи объектив хусусиятлар, воситалар, имкониятлар, омиллар (инвестиция ресурслари ва улардан фойдаланиш йўналишларининг мавжудлиги) йиғиндиси сифатида мувофиқлиги таъкидланган. Д.Ш.Бабабекова, Б.О.Турсунов тадқиқотларида фаол инвестицион жараёнларни рақобатбардош иқтисодий шакллантиришдаги ўрни, фаол инвестициялар орқали рақобатбардош иқтисодий шакллантиришнинг хориж тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари асосланади. Я.С.Мелкумов ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда фойда олиш мақсадида инвестицияларни молиялаштиришда молиявий, мулкӣ ва интеллектуал қўйилмалардан самарли фойдаланишни таҳлил қилган. Муаллиф бу ерда инвестицияларни даромад манбаи сифатида ўрганиб, инвестиция фаолиятининг турларини кўрсатиб берган.

Бу ерда баҳсга сабаб бўлаётган ҳолат инвестиция объектларининг турлари ҳамда уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ҳақида фикр юритилмаган.

Хитойлик олим Ф.Хиаолан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошишининг унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Унинг тадқиқотлари натижаларига кўра, инвестициялар умумий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи миллий иқтисодийнинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади деб таъкидлаб ўтган. Д.Д.Деньгин “Иқтисодий-географик шароит, ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби минтақа инвестиция салоҳиятини белгилайди” –деган қарашни билдиради. Л.Д.Зубкованинг фикрига кўра, “Инвестицияларга бўлган эҳтиёжни (инвестиция талаби ва таклифи) қондирувчи объектив хусусиятлар, воситалар, имкониятлар, омиллар (инвестиция ресурслари ва улардан фойдаланиш йўналишларининг мавжудлиги) йиғиндиси сифатида лойиҳада қатнашувчи ҳар бир иштирокчининг самарасини аниқлаш талаб этилади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан А.М.Содиқов ўз илмий асарида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиийиқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган уларнинг инвестицион фаоллигининг ролини алоҳида асослаб берган. Шунингдек, Ш.Х.Назаров ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ролини изоҳлаб, минтақаларнинг рақобат устунликларини аниқлаб берувчи ички манбалардан бири сифатида инвестицион фаоллик даражасини келтиради.

Инвестицияларнинг ҳудудий жиҳатлари бўйича тадқиқот олиб борган иқтисодчи А.А.Собиров хулосасига кўра Ўзбекистон минтақаларида нисбий афзаллик омиллари турлича бўлиб, бу тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда маълум табақалашувга олиб келади. Шу сабабли, давлат томонидан айрим минтақаларни қўллаб-қувватлаш ва хорижий инвестицияларни жойлаштиришдаги ўрни юқори бўлиб қолмоқда.

С.В. Валдайцев ва П.П.Воробьев томонидан ижтимоий соҳани инвестициялашда молиялаштириш манбалари таҳлил қилинган. Ижтимоий даромад олиш жараёнларига сарфланган пул маблағлари келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат деган хулосага келинган. Мазкур адабиётлар шарҳини ўрганиш жараёнида фикр- мулоҳазаларимиз мустаҳкамланди, яъни глобаллашув жараёнлари ва халқаро иқтисодий муносабатлар, сиёсий ва мафкуравий ўзгаришлар юз бераётган бир даврда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш,

экспорт ва импортни рағбатлантириш, инсон капитали, замонавий технологиялар жорий қилиш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш фаоллигига боғлиқ.

Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йуналтирилаётган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкин. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш ва баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи мамлакатнинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент ҳисобланади. Миллий иқтисодиётимизда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш ва уларни молиялаштиришнинг янги усуллари жорий этиш мақсадида иқтисодиёти ривожланган хорижий давлатлар молиялаштириш тажрибаларини ўрганиш такомиллаштириб бориш ва улар амалиётидаги ижобий ютуқлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицияларнинг ўзлаштирилишини самарадорлигини оширишда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш билан боғлиқ молиявий масалаларни ҳамда инвестиция фаолиятини молиялаштиришдаги муаммолар тизимли тартибда ҳал этиб борилмоқда.

Мамлакат инвестиция сиёсатининг узоқ давр учун амал қилиши, инвестиция ресурсларнинг умумийлиги, тармоқ ва корхона доирасида инвестицияларни жойлаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усул ва воситаларидан таъсир кучларига қараб ўзгариб боради. У жараённинг таркибий йўналиши қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- инвестицион фаолият стратегиясининг тактик ва стратегик бошқарув мезонларига мувофиқлиги;
- инвестицион фаолият бошқарув омилларининг мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган турли элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқ;
- менежмент ресурслари, танланган бошқарув услуби қўлланилган ва мақсадга эришилган ҳолда фойдаланиладиган моддий, техник, молиявий, ижтимоий, институционал ва бошқа манбалар.

Мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг жадал суръатларини таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишда пухта ўйланган инвестиция сиёсати ҳамда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт тараққиятнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланишлар ва инновацияларни рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда корхоналар даромадини оширишни таъминлайди. Масаланинг нечоғлиқ муҳим эканлигини йиллар давомида инвестиция оқимларини мунтазам ошириб боришга қаратилган инвестиция сиёсатини юритилаётганлигида кўриш мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, сўнги йилларда мамлакатимизда инвестицияларни жойлаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усул ва воситаларидан кўзланган энг асосий мақсад хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини экспортга йўналтиришдан иборат.

Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз негизида ташкил этилаётган корхоналар фаолиятини янгича ташкил этиш, улардаги ҳиссабай иштирок этиш, яъни акциялар улушига асосан томонларнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш, энг асосийси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга эришиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестиция самарадорлигини ошириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда

инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмини ривожлантиришга йўналтирилган қатор чора тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарорида алоҳида эътибор қаратилинган бўлиб, бу борада республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ вазифаларга устуворлик берилган.

Маҳаллий ва чет эл инвестицияларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти юқори экан, мавжуд инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини янада фаоллаштириш лозим.

Бунинг учун инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосларини доимий такомиллаштириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш, хорижий инвесторларга самарали имтиёзлар тизимини тақдим қилиш, инвестиция фаолиятига оид маълумотлар базасини шаффофлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.

Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастан-юқорига» тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш. 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш. Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш. Республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, жумладан Сирдарё вилоятининг Хитой Халқ Республикаси, Сурхондарё вилоятининг Россия Федерацияси ҳамда Жиззах вилоятининг Ҳиндистон бизнес доиралари билан инвестиция ва ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш” каби вазифалар илгари сурилган.

Инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштиришни тубдан яхшилаш, давлат улушлари пакетини амалга ошириш жараёнини янада чуқурлаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш, шу жумладан, инвестицияларни ривожлантиришга замонавий ёндашувларга ўтиш. давлат активларини бошқариш, капитал бозорини иқтисодий ривожланишнинг етакчи омилларидан бирига айлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Давлатнинг инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш фаолиятига миллий иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси, унинг ижтимоий мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилганлик даражаси таъсир қилади. Лекин барча ҳолатларда инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг мақсадлари, субъектлари, объектлари ва воситаларини ўз ичига олган мураккаб жараёндир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида” ги ПҚ-72 сонли қарорига кўра Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимида, унинг мавжуд штат бирликлари доирасида, стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа бошқаруви тизимини мувофиқлаштирувчи “лойиҳа бошқаруви марказий офиси”ни ташкил этиш ҳамда стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тизимида ҳар бир стратегик инвестиция лойиҳаси бўйича алоҳида лойиҳа бошқарувчиларини тайинлаш белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида қуйидагилар белгилаб қўйилган: “Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қулай инвестиция муҳитини яратиш, янги рақобатбардош ҳамда инновацион, экспортга йўналтирилган ва (ёки) импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир инвестицияларни рағбатлантириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни замонавий технологияларни қўллаган ҳамда замонавий бошқарув тажрибасини жорий этган ҳолда кенгайтириш ва янгилаш мақсадида амалга оширилади”.

Шунингдек, мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилинган барча иштирокчиларни улаган ҳолда Лойиҳа бошқаруви ягона миллий ахборот тизимининг бир қисми ҳисобланади ва қуйидаги имкониятларни яратади:

- лойиҳаларни ҳисобга олиш, уларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш жараёнларини автоматлаштириш;
- лойиҳаларнинг муддатлари, бюджети, мақсадлари ва кўрсаткичлари устидан назоратни амалга ошириш;
- инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилган ва ўзлаштирилган ҳажмлари бўйича ишончли маълумотларни шакллантириш;
- лойиҳаларни амалга оширишда қувватларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича хавф-хатарларни аниқлаш;
- инвестициядан кейинги даврда, лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришишни кузатиб бориш.

Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга инвестицияга оид солиқ кредити берилиши мумкин ва ушбу кредит солиқ мажбуриятини бажариш муддатини ўзгартириш шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи бўлган инвесторга белгиланган муддат ичида ушбу инвестор тўлаши керак бўлган солиқ тўловларини кредит суммасини ва ҳисобланган фоизларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ кейинчалик босқичма-босқич тўлаган ҳолда камайтириш имконияти берилади. Зарур муҳандислик-коммуникация шароитларини таъминлаш, шунингдек имтиёзлар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестиция преференцияси тарзида тақдим этиладиган молиявий кўмак сифатида инвестиция субсидиясини бериши мумкин.

Инвесторга зарур муҳандислик-коммуникация шароитлари шаклидаги инвестиция субсидияси инвестиция фаолияти объектига олиб бориладиган ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини Ўзбекистон Республикаси томонидан қуриш йўли билан таъминланади.

Инвестиция субсидияси солиқ ва божхона имтиёзлари сифатида ҳам берилиши мумкин.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда инвесторнинг инвестиция субсидияси бериш тўғрисидаги аризасини Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига таклиф киритади.

Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотидан суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланади. Инвестицияларни сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан суғурталаш халқаро ташкилотлар, чет эл агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Инвестицияларни суғурталашни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, бундан тарафларнинг битимларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Инвестицияларни суғурталаш сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан, шу жумладан қуйидагиларни ўз ичига оловчи таваккалчиликлардан суғурта ҳимоясини ҳамда кафолатларини таъминлайди:

мулкнинг реквизиция (экспроприация) қилинишини, шунингдек мулкни олиб қўйишга ёки уни бошқа шахсга беришга, унинг устидан ёки ундан олинадиган даромадлар устидан назоратнинг йўқолишига олиб келадиган ҳар қандай қонунчилик ёки маъмурий чораларни;

чет эл валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказиш бўйича чекловлар жорий этишни;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг инвесторлар шартномавий муносабатларига аралашувини;

урушларни, фуқароларнинг тартибсизликлари ва бошқа шунга ўхшаш воқеаларни;

инвесторлар ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ўзга таваккалчиликларнинг бошқа турларини.

Миллий иқтисодиётга инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштиришнинг жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, давлат аниқ ва барқарор қонунчилик базасини яратиш билан бирга, инвестиция фаолиятини махсус ваколатли органлар шахсида, биринчи навбатда, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тегишли тизимини ҳам шакллантириш йўллари ишлаб чиқиши лозим.

Мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашни услабларини самарали ташкил этишда қатор муаммолар мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга, йирик объектлар барпо этилишига, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир ўтказмоқда. Жумладан, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди жараёнлари пухта тайёрланмаслиги, лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг ҳаққоний олиб борилмаслиги, лойиҳа бўйича рискларни олдиндан аниқлаш ва ҳисоблаш услугиётининг мукамал эмаслиги шулар жумласидандир.

«Самара» тушунчаси ўзида иқтисодий жараённинг қандайдир бирор бўлагидан (бўғинида) қўлланилган тадбирларнинг берган натижасини (ижобий натижага эришишни) ўзида акс эттиради. Самара мутлақ кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларини кўрсатади. Самара ҳосил қилинган ялпи фойда ва шу кабилар ҳисобланиб, амалга оширилган тадбирларнинг қанчалик фойдалилигини билдиради.

Мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторида инвестиция фаолиятини самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосини мустахкамлаш борасида 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган ПҚЗ437-сонли қарорнинг мазмун ва мақсади аҳамиятлидир. Ушбу қарорда инвестиция дастурига киритилаётган инвестиция лойиҳалари ҳолати бўйича қуйидагича фикр юритилган: "... мазкур соҳадаги фаолиятнинг самарадорлигига, энг аввало, мавжуд ресурслардан нооқилона фойдаланиш, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллиги юзаки ўрганилганлиги билан боғлиқ қатор камчиликлар салбий таъсир кўрсатмоқда. Амалдаги ресурсларни, шунингдек, инвестициялар, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни узоқ муддатли ривожлантириш концепцияси мавжуд эмас. Бунинг оқибатида иқтисодий

жиҳатдан истиқболли бўлмаган лойиҳаларни ташаббус қилиш, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу охир-оқибатда, умуман, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиришга олиб келади”. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг хорижий амалиётида энг кенг тарқалган усуллардан бири бу Хильмар Фольмутнинг услубий ёндашувидир. Инвестицияларни ҳисоблашда алтернативалари таққосланадиган ёки битта лойиҳага маблағ киритиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган лойиҳаларнинг асосий қийматларини аниқлашнинг турли усулларида фойдаланишни назарда тутди. Масалан, харажатларни таққослаш усули капитал ва операцион харажатлари жуда юқори бўлган лойиҳаларни тезда рад этиш учун ишлатилади. Асосий камчилик - бу капитал қўйилмаларнинг фоиз ставкаларини ҳисобга олиш зарур бўлса, лойиҳа харажатларини аниқлашдаги қийинчилик. Асосан бу усул ускуналарни алмаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва шунга ўхшаш лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатилади.

Жаҳонда инвестиция фаолияти ва уни самарали тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқдаш асосида мазкур жараёни такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини янада самаралироқ, механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда икдисодий тартибга солишга йуналтириш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларида республикаимиз икдисодиётини ривожлантиришда инвестицияларни яратиш ва кенг жорий этиш жараёнларига алоҳида аҳамият берилиб, бу борада кенг қамровли мақсадли ислохотлар амалга оширилди. Республикани инвестиция сиёсатини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Хорижий инвесторлар Кенгаши шакллантирилганлиги мазкур йуналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.
<https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Усковао Т.В. Роли инвестиций в обеспечении устойчивого экономического роста. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 6 (30) 2013., 45-59 стр.

3. Андрианов В.Д. Россия: экономический и инвестиционный потенциал. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 1999. - 662с.
4. Бабабекова Д.Ш, Турсунов Б.О. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш йўналишлари. Илмий-оммабоп рисола.- Т.: “Iqtisod-Moliya” 2019., 40 б
5. Мелкумов Я.С. Инвестиций. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2003. – С.8.
6. Д.Д.Деньгин. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования. Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. №109(05), 2015 г. стр. 18-27.
7. Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. International Journal Science of the
8. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – – Фойдаланиш манбаи: – <https://lex.uz/docs/4664142>
12. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – – Фойдаланиш манбаи: – <https://lex.uz/docs/4664142>
13. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – – Фойдаланиш манбаи: – <https://lex.uz/docs/4664142>
14. “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ3437-сонли Президент қарори, 18 декабрь 2017 йил

15. Фольмут Х.Й. Инструменты контроллинга: от А до Я. М.: Финансы и статистика, 2001. 171 с.
16. Каримов Н.Ғ. ва Хожиматов Р.Х., : Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011